

Иширманчи чақирик халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг X сессияси

ШАҲАР ОЗОДА ВА ТАРТИБЛИ БЎЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мандат комиссиясининг доклады юзасидан Совет Ҳамза районининг 378-сайлов округидан сайланган Янгирманчи чақирик халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутаты К. Р. Расулнинг ваколатини тан олди.

Ангана бўйича «Тошкент оқишми» ва «Черный Ташкент» газеталарида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг бўлажак сессия олдидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг тезислари эълон қилинган эди. Тезислар сессиядан аввал сессиялар мажлисларида депутатлар томонидан муҳокама этилди. Шунинг учун Янгирманчи чақирик Тошкент шаҳар Советининг ўзининг сессияси Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. Е. Охунжоновнинг қисқача докладыдан бошланди.

У депутатлар диққат-этиборини шаҳарда жамоат тартиби, ободонлаштириш, санитария соҳасида тўпланиб қолган муаммоларга қаратди. Бу масалаларга танқидий қаралса, турар жой — коммунал хўжалиги, ободонлаштириш корхона ва ташкилотларининг моддий-техника ҳамда молиявий ресурслар билан таъминлини шунинг мавжуд нормативларидан камлигини этироф этиш керак. Бу муаммоларни ҳал этишда шаҳар корхона ва ташкилотларининг имкониятларидан етарлича фойдаланилмади. Ободонлаштириш ишига ўз-ўзини жамоатчилик асосида бошқарадиган органлар тўлиқ жабоб қилинмади.

Шаҳар хавоси ҳамда сув манбаларининг аҳоли таъминлигига қўлқонди. Қатор санатор корхоналари, автохўжаликлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари табиатни муҳофаза қилиш қонунининг бузилишига йўл қўймадилар. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиш мuddатлари асосини равишда қўйиб юборилмоқда. Оқибатда атмосферага зарарли моддаларнинг чиқариб юборилиши йўл қўйиш мумкин бўлган нормадан 3—4 ҳатто бундан ҳам кўпроқ ортқ бўлмоқда. Шаҳар анҳорлари ва бошқа сув манбаларини турли оқавалар билан булғаш давом этапти.

Кўрилиш ва бошқа ташкилотлар йўл-кўприк хўжалиги, кўчалар ободонлаштириш-сугорилиш, ёриш, ер ости инженерлик коммуникацияларини ишдан чиқармоқдалар. Улар кейин сифатсиз тикланмоқда ёки умуман тикланмапти.

Хўжалик-маиший ва бошқа қишлоқларни ўз вақтида йиғиш, тўплаш ва ташиб чиқариш ишида зарур даражада тартиб йўқ. Махсус автокорхоналар ахлатларни ташиб кетиш графикларини бузмоқдалар. Турар жой — эксплуатация ташкилотлари ахлат ташкилотларини мажбурий ишдан етарлича назорат қилмайдилар. Оқибатда шаҳар территориясида ўз-ўзиндан ахлат уюмлари пайдо бўляпти.

Экологик вазиятнинг ёмонлашувида район ижроия комитетлари, ободонлаштириш Бош бошқармаси, шаҳар санитария-эпидемиология станцияси, милициянинг санитария дивизиони, турар жой органлари, Тошкент шаҳар табиатни сақлаш комитетининг ҳам айби бор. Уларнинг ходимлари Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қондалари бузилиши билан мурося қилиб келмоқдалар. Район ижроия комитетлари маъмурий комиссияларининг ишида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлмапти.

Қатор район Советларининг ижроия комитетлари ўз территорияларида ободонлаштириш ишларини олиб боришда, санитария ҳолатини яхшилашда фавқулодда қилмоқдалар, маҳаллий ҳокимият органларига берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан ёмон фойдаланишгилар. Улар ҳали амалда ўз территорияларининг хўжайинлари бўлишганича йўқ.

Сугорилиш, кўчаларободонлаштиришга ихтисослаштирилган ремонт-қурилиш трести кўчаларободонлаштириш ва сугорилиш объектларида аҳолини яхшилаш юзасидан барча зарур чораларни кўрмаяпти. Шаҳарнинг кўпгина микро-районларидаги ариқлар қуриб ётибди. Сугорилиш учун эса ихтимол сувидан фойдаланилмади.

Кўпгина лойихаланаётган ва қурилаётган турар жой масивлари, кўчалар, проспектлар, майдонлар монументал санъат, кичик архитектура форма ва элементлари қўлланганини тақозо этади. Турар жой кварталлари, кўча, майдонларни қуриш ва ободонлаштиришда комплекслик этишмайди.

Амалда шаҳардаги барча турар жой микро-районлари жуда ифлос бўлиб кетган, бу ерларда ахлат уюмлари, бузилиб кетган кўча ва йўлчаларни, кўмиб ташланган ариқларни, сув босган подвалларни, бетартиб жойлашган металл гаражларни қуриш мумкин. Аҳолининг ўз турар жойларига истеъмолчи сифатида муносабатда бўлиши кўзга ташланмоқда. Уй комитетлари аҳоли ўртасида ташкилотчилик ишларини деярли олиб бормаяптилар.

34-сайлов округидан депутат, Тошкент шаҳар Советининг ободонлаштириш бўйича доимий комиссия раиси Т. Ҳ. Ҳайдаров кўшимча доклад қилди. У жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитариянинг аҳолини яхшилаш учун қатъий чоралар қўриш зарурлигини таъкидлади. Бу муаммолар илгари ҳам кўп марта кўтарилган, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети, унинг тегишли хизматлари аҳоли унлаш учун ҳаракат қилишган.

Аммо кўпинча хусусий масалалар ҳал қилинмади. Шаҳарда бу жараёнишни ўрганиш бўйича ягона марказ йўқ. Қўрилан чоралар комплекс характерга эга эмасди, муросасизлик қилинмади. Бу танқид ободонлаштириш бўйича доимий комиссия фаолиятига ҳам тўла равишда тааллуқлидир.

Бугунги кунда, ободонлаштириш ва кўчаларободонлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш масалаларини самарали ҳал қилишга нима тўқинлик қилмоқда? Бу, биринчи навбатда, зарур малакага эга мутахассисларнинг, техника воситаларининг етисмаслиги, планлаштиришнинг лухта эмаслиги, йиллик ва беш йиллик планлар мутаносблиги таъминланмаганлигидир. Бундан ташқари умубу ишларни бажариш учун етарлича маблағ акретилмапти. Депутат Х. Е. Охунжонов раҳбарлик қилаётган ободонлаштириш бошқармаси хозирча район ободонлаштириш бошқармаси «Спецремстройтрест», «Ремдормост» ва «Спецтрэнс» ишлаб чиқариш биришма-лиси каби бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилувчи марказга айлантирди.

Нотийқ ободонлаштириш Бош бошқармаси иш услуби ва методларида тўхталар экан, мавжуд бўлган камчиликларни кўрсатиб ўтди. Шаҳарни ободонлаштириш ва санитария ҳолатини тубдан яхшилашга қаратилган қарорлар ижроси етарлича назорат қилинмапти. Тошкент шаҳар ижроия комитети қарори билан тузилган район бўлимлари шу вақтгача тегишли, моддий-техника базасига эга эмас. Бу-си уларнинг самарали ишлашлари тўғрисида гапириш ўринсиз. Халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари, район ободонлаштириш Бош бошқармалари ўзларича иш тутмоқдалар.

Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун маблағ этишмаслиги тўғри кўрсатилди. Лекин мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмапти? Мисол тариқасида ахлатни ташиб кетиш учун 8 тинин миқдорда олинадиган ҳақ етарли эмас, деган масала қўйилган эди. Таҳлил эса зарур даражада назорат ўрнатилмаганлиги туфайли шахсий уй-жой эгаларининг 30 процентдан кўпроги қатор йиллар давомида махсус автохўжаликларга хўжалик-маиший ахлатларини тўплаш ва ташиш учун пул тўламаётганликларини кўрсатди.

Асосий доклада шаҳардаги экологик аҳвол батафсил таърифлаб берилган. Қатор корхона ва ташкилотларнинг айри билан атмосферадаги фенол, углеводородлар, чангининг миқдори нормадан анча-ўтут баравар ортқидир. Айниқса тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини пул билан таъминлаш шариоатида ишлаётган корхоналар фойда кетидан қувиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини бажармаётганликларига тоқат қилиб бўлмайди. Уларга қарши маъмурий чоралар қўриш мумкин, Лекин энг таъсирлиси иқтисодий чоралардир. Агар биз шундай қатъий жазо чораларини қўллагмасак, қабул қилган қарорларимиз бирор фойда келтирмайди.

Территорияларни муайян корхона ва ташкилотларга бириктириб қўйишдек иш формаси тобора унутиб юборилмапти. Корхона раҳбарлари, меҳнат коллективларининг бу соҳадан масъулияларини ошириш учун ушбу ишда ошқораликка, алоҳида эътибор берилмоқда. Корхона ва ташкилотлар даромадларидан 1 процентини ободонлаштириш ва санитария охтиёжлари учун акретилиш тартибининг ўрнатилиш ҳам фойдалан холи бўлмас эди. Ҳозир эса район ободонлаштириш бошқармаларини амалий ишлари фақат мавжуд камчиликларни бартараф этишдан иборат бўлиб қолмоқда.

Шахсий автомобилларни сақлаш учун жой масаласи ҳам ўтирилган қолмоқда. Агар бугун бу масалада таъсирчан чоралар қўрилмаса, эртага уни ҳал қилиш жуда мушкуллашиб кетади.

Шаҳардаги мавжуд сугорилиш тармоқлари муаммосини ҳал қилиш ҳам жиддий ёндошини талаб этади. Бу соҳада қилинган ишлар ҳақида маълумоти йўқ. Чунки бирорта районда ҳам сугорилиш тармоқлари тўлиқ ишламайди. Ҳолбуки, улар учун катта маблағ сарфланган. Ер ости коммуникацияларини ўтказиш пайтида келишиби ш кўрсатилди. Йўл-кўприк хўжалиги объектлари ва ишоотларни ремонт қилиш, улардан фойдаланишда кўпгина қийинчиликлар туғдирмоқда.

Маълумки, капитал қурилиш Бош бошқармаси ҳар йили 25 миллион сўм миқдордаги маблағларни ўзлаштири олмапти. Ободонлаштириш Бош бошқармасига акретилмаётган 6—8 миллион сўм эса етарли эмас. Доклад тезисларида шаҳар йўллари, сувий ишоотлари ва бошқа объектлари қурилиши бўйича бюртмақаб вазифасини капитал қурилиш Бош бошқармасига бериш таклиф этилган эди. Бу таклифни ўзгаришларни талаб этади. Доимий комиссия фикрига кўра, ўзлаштирилмай қолганга маблағини ободонлаштириш Бош бошқармаси ишхўрага бериш тўғрисида ва осонроқ бўлади.

10-сайлов округидан депутат, «Водоканал» трестининг бошқарувчиси Э. Т. Солиқнаева сўз берилди. У доклад тезислари муҳокама қилинган биринчи секция депутатлари номидан гапирди.

Депутатларнинг фикрига қараганда, шаҳар ободончилиги ва санитария аҳолининг сифат жиҳатдан яхшилаш учун талайгина фойдаланилмай ётган резервлар ва имкониятлар мавжуд деди нотийқ. Жумладан ҳали ҳам кўчаларни, ер ости коммуникацияларини капитал ремонт қилишнинг келишилган комплекс графиги йўқ. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори билан ана шундай ремонт ишларини ўз маблағлари ҳисобига бажариш вазифасини корхона ва ташкилотларнинг зиммасига юклаш таклиф этилди.

Район ободонлаштириш бошқармалари ва йўл-эксплуатация бошқармалари структурасини ўзгартириш зарур. Масалан, Қўйибери район йўл-эксплуатация бошқармаси тарихидан 48 кишининг 20 нафар маъмурий-бошқарув ходимларидир. Идораларнинг тарқоқлиги, уй-жой коммунал хўжаликларнинг қўш рақбарга бўйсунуши ҳам салбий таъсир этмоқда. Район территориясининг «хўжайини» битта бўлиши керак. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг янги микрорайонларни сув тармоқларига албатта уланган ҳолда қабул қилиш ҳақидаги қарори бажарилмапти. Аммо негидир бунинг учун ҳеч нима жавоб бермапти. Ободонлаштириш Бош бошқармаси бошлигининг докладада яли кўрсатилган кетидан қувишга интилиш қайтадан қузатишмоқда. Мингглаб дархастлар ўтқазилди дейилди ва ҳоҳона. Шунча дархастни ўтқазганини нима кераги бор, ахир сугорилиш учун сув йўқлиги туфайли уларнинг 98 фоизи қуриб қолдику?

289-сайлов округидан депутат, «Средэлектротранспарат» ишлаб чиқариш биришмаси бош директори А. А. Алмибоевнинг нуқти ҳис-ҳаяжонларга бой бўлди. У «ахлат» муаммолари билан шуғулланиш раҳбарининг обрўйини тўқати, деган эски тасавуurlарни бузиш зарур, деб таъкидлади, депутатларнинг граждандарнинг ижтимоий онгини, уларнинг активлигини оширишга, шахсий намуна кўрсатишга даъват этди. Агар биз одамларни уйқудан уйғотмас эканмиз, деди у, ҳатто энг замонавий техника ҳам шахримизнинг озода ва тартибли бўлишига ёрдам бермайди.

Учинчи секция таркибига кирувчи депутатлар топширигига кўра 177-сайлов округидан депутат, «Узбекхлопкомани» ишлаб чиқариш биришмаси бош директорининг ўринбосари А. А. Ваҳобов сўз олди. Оқибатларга қарши эмас, уларни келтириб чиқарувчи сабабларга қарши курашиш керак, деди у. Ҳар бир лойиҳа дастлабки босқичдаёқ, жумладан, сув манбаи албатта қўриштирилган ҳолда синчилаб экспертизадан ўтказилиши лозим. Махсус машиналарнинг ахлат олиб кетиш графигига қатъий риоя қилишга эришиш лозим. Ободонлаштириш бўлимларини яна қайтадан ташкил этиш ҳақидаги қарор лойиҳаси депутатларни ўйлантириб қўйди: аввалги структура нимаси билан маъқул бўлмоқда, қайта ташкил этиш сабабларини депутатларга нега тушунтиришгани йўқ?

Депутат А. А. Ваҳобов шаҳарни ободонлаштириш ва санитария ҳолатини сақлаш бўйича муайян иш участкаларини ҳар бир депутатга бириктириб қўйишни таклиф этди.

Минбарда маҳалла комитетлари ишини мувофиқлаштириш шаҳар кенгашининг раиси Қ. Ф. Фозилхўжаев. Унинг нуқтида маҳалла комитетларини ташвишга солаётган бугун бир муаммолар, тугунининг сифий жиҳатларини принципал муҳим эътибор берилди. Нотийқнинг фикрига қараганда, бугунги кунда шартли равишда шаҳарни имтиёзлари бўлган маданият даялат секторига ва ҳаёти изга солинмаган маҳаллаларга бўлиш мумкин. Бу социал адолатсизликни келтириб чиқаради. Ваҳоланки, айнан коллектив айл-идроғига, оқсонларнинг обрўйига ва ёши жиҳатидан қатталарга нисбатан ҳурматга асосланган маҳаллалар кўпгина етилган масалаларни ҳал этиб келган. Ҳозир эса маҳаллаларнинг роли пайсайтиб юборилган. Бунга нима дейсиз, инқилобга қадар шаҳарда 149 маҳалла мавжуд бўлса, бугунги кунда уларнинг сонини базур 30 гага етди. Маҳаллаларда савдон ташкил этиш масаласи ҳали ҳам ҳал этилмапти. Совет органларининг ходимлари маҳаллаларда камдан кам бўлишди, уларда истикомат қилаётганларнинг турмуши билан қизиқинмайди. Бундан ташқари маҳаллаларда талайгина коммунал, коммунист-пенсияонерлар истикомат қилишди. Ана шу ерларда бошлангич партия ташкилотларини ташкил этиш ҳақида ўйлаб қўриш вақти етди.

Тошкент шаҳар Советининг раиси номига, тўрт ой муқаддам ваъда берилганига қарамай нима учун ҳал синхрон таржима системаси билан жиҳозланмаган, деган депутат сўрови тушди. Тошкент шаҳар Советининг раиси Ш. Х. Хўжаев йўл қўйган камчилигини тан олди, ушбу масалага жиддий эътибор берилди ва яқин орада ҳал зарур техника билан жиҳозланади, деб ишонтиради.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш шаҳар комитетининг раиси Ш. Р. Иброҳимов сўз олди. У юқумли касалликларнинг сонини санитария аҳоли ва экология муҳитига бевосита болғич эканлигини ўқитди. Ҳозирги аҳолини оғир деб аташ имконини берувчи мисолларни келтирди. Экологик зарарсиз ёнлиги ҳақида кўп

гапирди, аммо бугунги кунда Тошкент политехника институтинда мавжуд бўлган ишланмалар билан ҳеч нима қизиқмайди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш шаҳар комитетининг раиси алоҳида ер ажратиб, уша ерда ишлаб чиқаришнинг зарарли чинкидларини қўйиш мумкин бўлган ишоотларни бунёд этиш масаласини кўтарди, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш шаҳар комитети фаолиятидаги муаммолар билан ўртоқлашди.

Унинг нуқтири шаҳар санитария-эпидемиология станцияси бош врачининг ўринбосари В. В. Тожиқонов қўлба-қувватлади, санитария миллионлиқ дивизионининг сонини ошириш лозим, деб таъкидлади.

Сўнгра 62-сайлов округидан депутат, «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш биришмасининг бош директори А. Ҳулуммаҳмудова сўз берилди. Нотийқ дастлабки қараганда пухта бўлиб кўриган асосий докладыни танқид қилди, унда шаҳарнинг санитария аҳоли ва ободончилигини яхшилаш юзасидан белгиланаётган тадбирлар ҳақида ҳеч нарсга белгиламаганлигини эслати. Ихтисослашган бошқармаларда қўл меҳнати устулик қилди, аммо сўнгги кўп йиллар мобайнида ахвол ўзгармапти. Депутат механизация воситаларини ишлаб чиқиш юзасидан институтлардан бирга бюртма беришни, бунинг учун зарур маблағлар ажратилиш таклиф этди.

Нотийқдан сўнг минбарга 491-сайлов округидан депутат, халқ депутатлари Чилонзор район Совети ижроия комитетининг раиси О. Н. Немолов кўтарилди. Умуман район ижроия комитетларининг, жумладан, район ободонлаштириш бошқармаларининг структурасини қайта қўриб чиқиш лозим, деди у. Фаррошларни у ташкилотдан бу ташкилот ўзгартиришга ўтказавериш шунга олиб келдики, бугунги кунда уларни бошқариб бўлмай қолди. Уларнинг сонини кескин қисқартириш эса шунга олиб келдики, район ижроия комитети раисининг ўринбосари Янгирманчи-Ўттизта пенсионерга ёки ана шу соҳага тасодифан кириб қолган кишиларгагина раҳбарлик қилди. Бундан ташқари, энг кўп самара олиш учун маблағларни қаерга сарфлашни айнан район бугунги лхшироқ билди. Депутатнинг фикрига қараганда, архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси ободонлаштириш масалаларидан ўзини мутлақо четта олган.

Шундан сўнг сўзга чиққан депутатлар аввалги нотийқларнинг фикрини деярлик такрорлади, фақат «камчиликлар» адреси ўзгариб турди, ҳоло 17-сайлов округидан депутат, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Х. Х. Ҳулумов муҳокамага яқин ясаб, маҳаллаларни ободонлаштириш масаласида шаҳар маъмурилари жиддий равишда ортда қолишляпти, бугунги кунда маҳаллаларда қариб 400 минг киши истикомат қилди, деб таъкидлади. Эндиликда капитал маблағларни маҳаллаларни ривожлантиришга сарфлаш масаласи қўйилмапти. «Катта бошлиқларнинг» бирор чойхона бунёд этилиши билан тугалланувчи «қисқа мuddатли таширлар» даври ортда қолди. Аниқ ҳаракатлар, йўл қўйилган камчиликларни тузатиш борасида аниқ қадмалар қўйиш даври келди. Одамлар «унутиб қўйилмаган» салбий системани бузиш зарурати этилди.

Бундан ташқари ҳар қандай йирик масала ҳал этишда маълум даражада янчилик, ўзига хос қатъий талаб этилади. Депутатларнинг ва сессияга таклиф этилганларнинг нуқтирида баён этилган барча муаммоларни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети пайсалга солмай ҳал этади, уларнинг бажарилишини назорат қилиб боради. Шулардан бири ободонлаштириш Бош бошқармасини қайта ташкил этишдир, мазкур бошқарма кучли моддий-техника базаси бўлган қудратли ишлаб чиқариш биришмасига айланиши зарур. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси айрим масалаларни ҳал этишда ободонлаштириш Бош бошқармаси чиндан ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилганлигини этироф этиб, асосий докладыни аниқ тақлифлар бўлмаган айрим қондаларни учун кечирим сўради.

Шундан сўнг депутатлар кун тартибиданги навбатдаги бандни қўриб чиқишга ўтишди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети V сессиясининг қабул қилинган бошқа шаҳарлик ҳар бир мутахассис учун корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан пул ундириш ҳақидаги қарорига қўшимча муҳокама қилиш бахсларга сабаб бўлди. Ҳузаитишда фавқулодда ҳошларда ана шу пулни ундириш таклиф этилган эди. Тузатишни муҳокама қилиш чоғида айрим депутатлар депутатларнинг бир қисми ўзобимчилик билан залдан чиқиб кетди, зарур миқдордаги овоз бўлмайди, шунинг учун қабул қилинадиган қарор қонун кучига эга бўлмайди, деб шубҳа билдирдилар.

Раис эълон қилган танлафус вақтида ҳам «қўтилмаган» вазият вужудга келди, депутатларга қайтадан рўйхатдан ўтиш таклиф этилди. Рўйхатга олиш яқини залда депутатларнинг зарур сонини хозир эканлигини кўрсатди. Шунга қарамай, камчиликларни тўлдирив ва дастававл секцияларга муҳокама қилиш учун ушбу масала бир овоздан кун тартибидан олинди.

Минбарда — депутат Х. Е. Охунжонов. У

асосий докладыни муҳокама қилиш чоғида олинган саволларга жавоб беради.

Сессия қарорининг таклиф этилган лойиҳасини жиддий равишда тўлдирини тақозо этишини ҳисобга олиб, редакция комиссиясининг раиси, 316-сайлов округидан депутат Т. М. Аҳмедов мазкур лойиҳани янада тўлдирини таклиф қилди. Таклиф кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Р. Х. Ҳикматуллоев Тошкент шаҳар Совети IV сессиясининг 1988 йил 26 феврал қарори қандай бажарилаётгани ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети номига сўров юзасидан ахборот билан сўзга чиқди.

Депутат О. Н. Исмоиловнинг таклифи билан район халқ судларига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги масала тегишли доимий комиссияларга дастлабки тарзда қўриб чиқилмаганлиги учун кун тартибидан олинди. Ушбу таклиф яқдиллик билан қабул қилинади.

Совет Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳузуридаги итчиликбошлик ва гиёҳвандликка қарши кураш комиссияси составига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги масалани қўриб чиқди. «Халқ депутатлари область Советлари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети Ш. П. Мирсановнинг итчиликбошликка ва гиёҳвандликка қарши кураш комиссиясининг раис вазифасидан, Л. В. Пшповани комиссия секретари вазифасидан, С. Х. Имомов, А. З. Зуфаров, В. В. Казакон, А. Г. Лукин, Н. Н. Одиноков, Н. И. Прусс, Л. И. Романова, А. З. Усмонов, депутатлар А. М. Солиқов, Т. М. Қозоқбоев ўртоқларни комиссия аъзолари вазифасидан овоз қилишга қарор қилди.

Қ. М. Рафиқов итчиликбошлик ва гиёҳвандликка қарши кураш комиссияси раисининг ўринбосари, В. А. Чернов комиссия секретари, В. П. Русинов, А. Ф. Демчук, Ю. М. Мирон, М. П. Соатов, Э. М. Янзабаров, Д. Х. Абдуллаев, Ю. В. Михайлов, И. И. Иванча, У. А. Абдуғаниев, депутат М. Ю. Қосимов комиссия аъзолари этиб сайландилар. Комиссия раисини комиссия мажлисида сайлашга қарор қилинди.

Совет 378-сайлов округидан депутат К. Р. Расулорни Тошкент шаҳар Советининг миллатларо муносабатлар ва интернационал тарбия бўйича доимий комиссиясининг раиси этиб сайлади.

Сессияда Октябрь районининг боғ вазонадаги профилакторийни Тошкент шаҳар уй-жой-коммунал хўжалиги ходимларининг медицина-санитария қисмига айлантириш масаласи қўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Л. А. Костин ахборот билан сўзга чиқди. Совет Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори билан рози бўлди.

Шунингдек, 351-сайлов округидан депутат П. Ҳ. Раҳматуллаевнинг шахсий аризасига мувофиқ унинг ваколатларини мuddатидан илгари тўхтатиш тўғрисидаги масала қўриб чиқилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг сессияси ташкилий масалаларни қўриб чиқди.

297-сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин таклилий масала юзасидан сўзга чиқиш учун депутатлардан сўз беришларини сўради. У бошқа ишга — Ўзбекистон ССР Ўзгастрой раисининг ўринбосари вазифасига ишга ўтиши муносабати билан Э. А. Ризаевни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари вазифасидан овоз қилишни таклиф этади. Совет қарор қилди: бошқа ишга ўтиши муносабати билан Э. А. Ризаев Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари вазифасидан овоз қилинсин.

Совет Б. М. Усмоновни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Архитектура ва шаҳарсозлик Бош бошқармасининг бошлиғи этиб, Н. З. Мўминовни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг бош ҳисоблаш маркази бошлиғи этиб, А. А. Аҳмадқоновини Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармасининг бошлиғи этиб тасдиқлади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси Ш. Х. Хўжаев айрим депутатларнинг интизомсизлиги ва ўз вазифаларини сийриқидан бажармаётганликлари муносабати билан ванаот мuddатлари тугаганидан сўнг депутатларнинг бажарган ишлари ҳақидаги ҳисоботларини тинглаб боришни, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига депутатларнинг иш фаолиятини давомидидаги активлигини ҳақидаги маълумотларни таёрлашни депутатларга таклиф қилди. Таклиф яқдиллик билан қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. Е. Охунжонов 164-сайлов округидан депутат В. М. Корабельниковдан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети номига олинган сўровга жавоб беради. Шу билан сессия ўз ишини тугаллади.

Шарҳчи сатрлари

Умидлар чиппақка чиқди

АҚШ президенти Ж. Буш Польша ва Венгрияга расмий сафар қилди. 11 июль кунини кечкурун президент Будапештга келганда жеза кўяётган эди. Аммо шунга қарамастан учрашувга кўпгина одам йиғилган эди, президент эса барвақ тейрабл қўйилган нуқт текстини тўлланганлар кўз уғида йиртиб ташлаб, қисқинага кутлов сўзи билан чекланди. Шундан кейин плашчини өчди, уни олом орасида ёлғирда ниб турган өёлга ўзатди. Эй-Би-Си телекомпаниясининг репортёри шу муносабат билан истеҳзоли қилиб, бу албатта олжиноблик бўлди, деб ёзди. «Бу ҳимматининг рамзий маъносини ҳам бу: Америка президентининг моддий мадад эмас, кўпроқ маънавий мадедини кутти керакка ўшаб қолди. Ҳозир Ж. Бушининг Варшава ва Будапештдаги музокараларини жиддий шарҳловчилар ҳам таҳлил этишга киришганда амасият журналистлар Америка президентининг савфарини оруз-умидлар чиппақка чиққан сафар деб атамоқдалар.

Бундай хулоса чиқариш учун муайян асослар бор

Жасоратнома

ПРОХОРОВКА
ҚАҲРАМОНИ

У яқин-яқинда орамазда эди. Бирга ижод қилиб, бирга уруш хотираларини эслар эдик. Галяба кунлари келганда у учрашувларга таклиф этиларди, сўхбатда йирилганларга фронт хотираларини тилга оларди, айниқса Прохоровка жангларини батафсил гапирарди.

Женгчи йўли олис бўлади, неча манзиллардан, оловли мейдонлардан ўтади. Лекин бу синовли, Ватан тақдирини билан боғланган манзилларда жангчи ҳаётдан абадий эсда қоладиган, унинг фарзандлик эътиқодига катта синов бўлган лаҳзалар бўлади. Ана шундай унутилмас давлар зирҳли машиналарнинг моҳир командири, гвардиячи лейтенант Нўмон Гуломов эдида бир умр саклаб қолган эди.

Дон даштларида, Харьков райони далаларида бўлган мисли кўрилмаган танклар жангида лейтенант Гуломов танк ротасининг командири эди. Душман ўзининг Белгород-Харьков группасини кучайтириш учун бошқа мейдонларда моторлаштирилган ва танк дивизияларини келтирди. 1943 йилнинг июль ойи, айни эз вақти. Олдинги маршалларда кетгорларнинг кучли овозларининг эшитилиши, турли қисмларнинг ҳаракатга келётганини қаттиқ жанглар бўлишидан дарак берарди. Фронтга Москвадан маршал Г. К. Жуков келган эди. Вазиет жиҳиди бўлиб, уруш тақдирини ҳал этадиган тўқнашувларга тайёр туриш ҳақида рота командири Гуломов ҳам буйруқ олади. У танк экипажларини тайинланган жойга кечаси келтириб, тонги жангларга тайёр турарди.

Жангни кутиб, тонг қоронғисиде қисқа вақт бўш турган лаҳзада ҳар бир жангчи бошини ўтган ҳаёт йўли, узокдаги ота-оналари, севимли ёру биродарларини эслади. Бу ҳаёт бежиз пайдо бўлмайди. Буни урушчи голиблик билан тугатиб, уйга эсон-омон қайтишни кутиб ётганлар пайдо элади. Тонгда кутлаётган кучли жанг олдидан ўтган эшли навиқрон офицер Нўмонжон ҳам тугилиб ўсган. Тошкент шаҳрининг Ишчилар даҳасини, у ерда йўл кутиб ўтирган севимли ёри, муътабар ота-она ва ака-укаларини бир зум кўз олдига келтирди.

Ота даргоҳини у биринчи бор 1934 йилда тегиз эган эди. Бу Нўмон Қизил Армия сифига қақирлиб, машур ўзбек саркардаси Мирқомил Миршарофов командир бўлган дивизияда, Самаркенда катта механик-ҳайдовчи бўлиб хизмат қилди. Нўмон болалигиндан техникани севарди, армияга қақирилгунча машина ҳайдашни биларди. Ҳарбий хизматда эса унинг билими иш берди, тез орада танк командири бўлиб, дивизиянинг ағлочи экипаж командирларидан бири бўлиб қолди. 1937 йилда ҳарбий хизматини яхши ўтаб, уйга қайтди. Лекин кўп

вақт ўтмай яна шинель кийишга тўғри келди. Чунки 1941 йил эзида уруш бошланди.

Ҳарбий тайёргарлиги борлиги, яхшигина танк ҳайдовчиси бўлганига қарамай, уни икки ойлик танкчилар мактабига ўқишга юборишди. Мактабда ўзини пухта билимга эга эканлиги, танкнинг қисилари ва ундан фойдаланишни ағло билганлиги учун уни полкда қолдиришди. У танк ротаси командири ўринбосари бўлиб, мактабга келган ёшларни зирҳли машиналарнинг устаси қилиб тайёрлашга киришди. Лекин у фронтдан олисда, Уралда ҳарбий мураббий бўлиб юрaverамени, фашистлар асосан кўп миқдордаги танклар билан жанг қиларди, менинг ўрним ўша жойларда, деди. Бу фикрини полк командирига айтди. Кўп вақт ўтмай Урал танкларини ортилган эшелон билан фронтга жўнади.

Эшелон 1943 йилнинг январь ойида фронтга етиб келди. Гуломов кичик лейтенант эди. Танк ротасини унинг ихтиёрига беришди. Бу катта ишонч эди. Сталинград бўсағасида ўраб олинган фашистлар армиясини қуршовдан чиқиб кетмаслиги учун, жангларда ёш рота командири Нўмон Гуломовнинг йигитлари ҳам катта жасорат кўрсатди. Дон даштларида босқинчилар мактаб танкларидан ажралди, Волгага интилган каллакесарлар яқсон этилди.

Волга бўйларида катта кучидан ажралган фашистлар армияси Курск-Белгород ерларида қасос олишга, қўлдан кетган жойларини қайтариб олишга уриниб, жанг майдонига яширинча жуда катта кучларини келтирди. Лекин кучларнинг разведкамиз сергак эди. Душманнинг қабиҳ ниётларини кўмондонликка вақтида хабар бериб турди. Бу жанг майдонларида ҳар икки томондан жуда кўп миқдорда жанговар техника ва одам кучлари тўпланди.

Урмон, кейин бутазорлар бошланади, ундан нарида қишлоқ кўринади. Қишлоқ чеккасидаги экинзорлар, дала ўйлари ва ниҳоят ўтлоқ, паст текислиги ерлар шиддатли воқеалар майдонига айланган. Кечаси билан ҳаракат тингани йўқ. Бир томонга қирувчилар тўлини тортиб ўтсалар, иккинчи томонда «катошалар» қораси кўриниб қолади. Танкчилар эса аллақачон қанчалар кўтарилмиш жойларини эгаллаб олганлар.

Душман ялли хужумга ташлаш учун тонг отишини кутиб турган эди. Уфққа бош қўйган кенг дала, ўтлоқ пасттекислилар тўтовсиз гумбирлаш садолари остида олов ва порох тутунлари билан қопланди.

Рота командири Нўмон Гуломов ҳам ўз машиналарини жангга олиб кирди. Йигитлар душманнинг бир танки билан ўзи юрар тўпини ёндириб юборишди. Яна учта машинасига шикаст етказдилар. Нўмон ўзи

бошқариб бораётган танк ҳайдовчисига ўннга бурилишни буюрди. Чунки билинар-билимас чуқурликда душман тўпчилари устма-уст ўт очиб, бир танкимизни ёндириб юборди. Гуломов ҳўшёрлик қилди. Душман тўпларини машинаси билан мажбурлаб ташлади.

Гуломов ўз ротасининг кейинде қолшини истамасди. Бошқа шериклари қаторида жанг майдонларида ўт очини кучайтирди. Яна учта душман зирҳли машиналарига шикаст етказди. Чекка-чеккадан ўт очиб турган тўпларнинг нафасини ўчирди. Энди олдинга ташланганда, душман «фердинанди» ўзини панага олиб турган экан, қўқисдан ўт очиб қолди. Гуломов танкини четга бурди, лекин унга шикаст етган эди. Машина юрмай қолди. Экипажга танкдан чиқиб, автоматларини қўлга олиб, жангини давом эттиришни буюрди. Лекин ўзи тўрай деса оғи шикастланганлигини сезиб, танкка суяниб туриб қолди. Шериги ёрдамида оёғини боғлаб олди. Бирок юролмади. Санитарлар етиб келиб Нўмонни олиб кетди, биринчи ёрдам курастиб, санбатга даволанишга юборди.


Госпиталдан оқсаб қайтган Гуломовга танк беришмади. Уни танк батальонини штабига бошлиқ қилиб тайинлашди. Нўмон кизгин жанглар, голландия юришлар бошланганда штабда буйруқ чиқариб, жанг тафсилотларини аэзиб, юқорига элар бериб ўтиришни ўзига лозим кўрмади. Унинг ниёти тез амалга ошди. 31-танк бригадасига алоқа офицери бўлиб, жанг майдонларида ёво-сита қатнаша бошлади. 5-гвардиячи танк армияси 1945 йилда она-Ватанимиздан ташқарида ҳужумни давом эттирди. Руминия остоналарида Гуломов яна араланди, лекин жангини давом эттирди, кейин танки анида кучли снаряд портлаб контузига бўлди.

Зирҳли машиналарини моҳирона бошқариб, оғир жангларда ўз фарзандлик бурчини ҳалол бажариб, галяба кунини она-Ватандан узокда кутиб олган коммунист Нўмон Гуломов 1946 йилда Тошкентга аэзи хондонлига қайтиб келди. Унинг кўксига 1-даражали Ватен уруши, Қизил Юдуз орденлари ва бир неча жанговар медаллар бор эди.

Урушдан қайтган коммунист халқ орасида бўлишни, ўзини ш майдонларида хизмат қилишни истарди. У Узбекистон Компартияси Марказий Комитетига, кейин республика матбуоти ва Телеграф агентлигида юқори лавозимларда ишлаб келди.

Биз уруш ветеранлари, кекса журналистлар Прохорова қаҳрамони, баҳодир дўстимизнинг ёрқин хотирасини ёдга олиб, ёшларга унинг жанговар ҳаётини айрим лаҳзаларини хикоя қилиб бердик.

НАЗАРМАТ.



Биродарлашган шаҳарлар дўстлиги

Бугунги Сизтл

Сизтлнинг энг кўна бозорларидан бири — Пайк Плейс (юқорида). Маҳаллий фермерлар ўз маҳсулотларини шу ерга келтиришади.

Кичик кемалар бекати бўвзан ниҳоятда гавжум бўлиб кетади (ўнггада сурат). Елкан остида савҳат қилиш муҳлислари Сизтлда талаягина.

Жамоат савдо маркази (пастдаги сурат) борча турдаги савдо хизматини кўрсатади. Кундалик зарур маҳсулотлар билан ёнма-ён хўнармандлар ясаган буюмларини амалий санъат асарларини учратиш мумкин. Шу ерда хонанда ва созандалар концерт беришади. Кўпсонли кафе ва рестороанлар зияратчилар хизматнда.

[Суратларни АПН орқали «Тошкент оқшоми» учун Вашингтон штатининг савҳатлар маркази йўлаган].



Акс садо

